

“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК
Акциядорларининг
2022 йил 7 апрелдаги умумий йиғилиши
қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
Йиғилиш раиси



Хамидов Б.С.
Хамидов Б.С.

“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК ИЖРОИЯ ОРГАНИ

ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Тошкент ш. – 2022 йил.

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Ижроия органи сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини бекор қилиш тартиби
- III. Жамият бош директорнинг ваколатлари
- IV. Ижроия органининг жавобгарлиги

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1 Мазкур Низом "IShONCh sug'urta kompaniyasi" Акциядорлик жамияти қўшма корхонаси (қуйида матн бўйича – "Жамият") Ижроия органи мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини тартибга солади.
- 1.2 Жамият жорий фаолиятига раҳбарлик яқка ижроия орган – Бош директор томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари Жамият Устави ва мазкур Низом билан белгиланади.
- 1.3 Мазкур Низом Жамият Устави, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (қуйида матн бўйича – "Қонун") ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1. Жамият жорий фаолиятига раҳбарлик Жамият Устави билан белгиланган тартибда Жамият бош директори томонидан амалга оширилади.
- 2.2. Бош директорни сайлаш (тайинлаш) Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши имзолайди.
- 2.3. Жамият бош директори лавозимига номзод Жамиятга унинг жиний жавобгарликка тортилганлиги ҳолати тўғрисида маълум қилиши шарт.
- 2.4. Жамият бош директори лавозимига ёхуд бу номзод кўрсатилишида Кузатув кенгаши раиси шартнома тузиш шартлари, бошқарувчилик фаолияти учун иш ҳақи, пул мукофотлари ва компенсация миқдорлари ҳамда номзоднинг шахсан имзоси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзод розилиги тўғрисида хабардор қилади.
- 2.5. Жамият бош директори лавозимига номзод Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишида ўз номзоди кўриб чиқилишида иштирок қилиши мумкин.
- 2.6. Жамият бош директори лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) сўнг Кузатув кенгаши у билан уч йил муддатга Жамият бош директори вазифасини бажариш тўғрисида шартнома тузади, ҳар йили шартнома муддатини узайтириш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартнома Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Жамият бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши жараёни тўғрисидаги ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши керак.
- 2.7. Жамият бош директори иш ҳақи ва пул мукофотлари миқдорлари Жамият фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади ва шартнома билан белгиланади.
- 2.8. Жамият бош директори вазифаларини бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги фаолият билан бирга бажариш фақат Жамиятнинг Кузатув кенгаши розилиги билан амалга оширилиши мумкин.
- 2.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият бош директори томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолатда у билан шартномани тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақлидир.
- 2.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият бош директори томонидан Жамият Устави қўпол бузилишлари содир этилган ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) оқибатида Жамиятга зарарлар етказилган ҳолатларда у билан шартномани муддатдан олдин тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақлидир.

2.11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Жамият бош директори билан шартнома тўхтатилиши (бекор қилиниши) тўғрисида қарор оддий кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.

2.12. Жамият бош директори ваколатларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият бош директори вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

III. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Жамият бош директори ваколатларига Жамият жорий фаолиятига раҳбарликнинг барча масалалари тегишлидир, Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият бош директори ҳуқуқлари ва вазифалари қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ҳамда ҳар бир директорнинг Жамият билан тузиладиган шартномасига мувофиқ белгиланади.

3.3. Жамият бош директори Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлайди.

3.4. Жамият бош директори ваколатларига (ҳуқуқларига) қуйидагилар тегишлидир:

- ўз ваколатлари доирасида Жамият фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамият мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш;
- Кузатув кенгаши розилиги билан унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок қилиш;
- Жамият номидан ваколатномасиз фаолият юритиш, давлат муассасаларида, мулкка эгаллик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва корхоналарда Жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобдорларини очиш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг миқозлари ва бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш, шартномалар ва контрактларни имзолаш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш. Уларга нисбатан маъмурий жазолар қўллаш, меҳнат ва ижрочилик интизомига риоя қилиниши таъминлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият номидан ваколатномалар бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан ижро учун мажбурий буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ва Жамиятнинг ходимлари лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;
- Жамиятнинг барча шўба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарлари томонидан ижро учун мажбурий қарорлар, буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Жамиятнинг филиаллари ва шўба корхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан бўшатиш;
- шўба корхоналари асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва улар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг филиаллари ва шўба корхоналари штат жадвалини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ўртасида самарали ўзаро муносабатларни таъминлаш;
- Жамиятни ривожланиш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, улар ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган Жамиятнинг бизнес-режасида кўрсатилган фойдалар олиншини таъминлаш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобдорлик ташкиллаштирилиши, тегишлича ҳолати ва шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботларини,

шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар, кредиторлар ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тааллуқли органларга ўз вақтида тақдим қилиш;

- Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) ёки Жамият аудитори талабига кўра, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим қилиш;
- тааллуқли давлат органларига статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари тўлиқ ва ўз вақтида тақдим қилиниши таъминлаш;
- Жамиятнинг хизмат ва тижорат сирини ўз ичига олган маълумотлар сақланишини таъминлаш. Хизмат ва тижорат сирларига тегишли маълумотлар рўйхати Жамиятнинг бош директори томонидан белгиланади;
- Жамиятнинг ходимлари томонидан хизмат ва тижорат сирини сақланиши бўйича чоралар кўриш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш. Ходимлар билимлари, малакалари, тажриба ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;
- ходимлар учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шароитларига риоя қилинишини таъминлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ўз ваколатларига тегишли ишлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиш;
- акциядорларнинг Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашида иштирок қилиш, уларга дивидендлар ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор фаолиятини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- Бош директор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ИЖРОИЯ ОРГАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Жамият бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда Жамият манфаатларида ҳаракат қилиши ва белгиланган тартибда жавобгар бўлиши керак.

4.2. Жамият бош директори ушбу лавозимда ишлаш даврида фаолияти Жамият маҳсулотларини сотишда ёки хизматлар кўрсатишда Жамиятга қийинчиликлар туғдирадиган қорхоналарни таъсис этиш ёки улар таъсис этилишида иштирок қилишга ҳақли эмас. Жамият бош директори Жамиятда лавозимга тайинланганида бундай қорхоналарда ўз иштирокини тўхтатиши ва ушбу иштирокни тўхтатиш тўғрисида Жамиятнинг Кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

4.3. Жамият бош директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият олдида унга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда жавобгар бўлади.

4.4. Жамият ва жойлаштирилган акцияларнинг энг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарлар ўрнини тўлдириш тўғрисида Жамият бош директори устидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.